

ekspluatatsiya qilinishiga bog'liq. Giper immun zardob tayyorlanadigan produtsent va aralash virus infeksiyasida masalan, INAN fonida kasallik juda og'ir kechadi. Gripp kasalligida bo'g'ozlikning birinchi yarmida bola tashlash xam kuzatiladi. Bu xolat yilqida xech qanday patologik simptomsiz to'satdan paydo bo'lishi mumkin. Yomon sifatli shaklida yilqilar orasida o'lim 4,4% ni tashkil etadi. Ayrimlari esa 2-3 kun harorat ko'tarilgan plevropnevmoniya rivojlanishi tufayli o'ladi. Yilqini yorib ko'rganimizda konyuktivaning shishi, burun shilliq pardalarining giperemiyasi kuzatiladi. O'pkada pnevmoniya markazlari qizil-kulrang yoki kulrang ko'rinishga ega. Agar kasallik muddati uzoqrog' cho'zilsa bu markazlar bir-biriga qo'shilib, butunlay jaroxatlangan ko'rinish xosil qiladi. Umumiy fonda kesib ko'rganimizda oqroq kulrang markazlar xar xil kattalikda ajralib ko'rinadi. Ulardan yarim suyuq oq-kulrang, seroz-shilimshiq yoki yiringli-shilimshiq ajratmalar chiqib turadi.

Yilqilarning gripp virusi fizik va kimyoviy faktorlar tasiri bo'yicha odamlarning A tipdagi gripp virusiga o'xshash. Virus saqllovchi suspenziya o'zining faolligini xona haroratida 1-sutka, 4 gradus da 2-3 oy, -20 gradusda virus o'z faolligini bir necha yil saqlaydi. Ultra binafsha nurlar virusni tezda faolsizlantiradi. Havoda changlantirilgan virus faol xlorning konsentratsiyasi 5-15 mg/m³ bo'lganda tezda faolsizlanadi.

ЁШ БУЗОҚЛАРНИНГ ТРИХОФИТИЯ КАСАЛЛИГИНИ ДАВОЛАШДА ЛТФ-130 ВАКСИНАСИ ВА ТЕТРАМАГ ПРЕПАРАТИНИ БИРГА ҚЎЛЛАШНИНГ САМАРАДОРЛИГИ

**Х.Усмонова – магистрант, Н.Бойсинова – ассистент,
Д.Сайдалиев – илмий раҳбар, в.ф.н.**

Мавзунинг долзарблиги. Чорвачиликни ҳозирги замон талаблари асосида ривожлантириш, аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини янада тўлароқ кондириш, гўшт, сут каби чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш кўп жиҳатдан хайвонларда юқумли касалликларнинг олдини олиш ва даволаш тадбирларининг тўғри ташкил этилишига боғлиқ. Хусусан, бузоқларда учрайдиган трихофития касаллиги фермер хўжаликлари, аҳоли шахсий ва ёрдамчи хўжаликларида хайвонларнинг безовталаниши, ориқлаб кетиши ва ўсишдан қолишига сабаб бўлмоқда.

Қорамолларда темирлатки (трихофития) касаллигини профилактикаси учун ишлаб чиқарилган ЛТФ-130 вакцинаси самарали олдини олиш воситаси бўлиш билан бирга уни икки марта оширилган дозада қўллаш даволашда ҳам яхши натижа бериши исботланган.

Қиш ва эрта баҳор мавсумида касалликнинг кўпроқ учрашига сабаб хайвонлар озуқа рациониди витаминлар (А, Д₃, Е, F ва бошқа) етишмаслиги,

хайвонларнинг тигиз сақланиши, чорвачилик биноларида ветеринария-санитария талабларига риоя этилмаслиги, хусусан, дезинфекция, деизинсекция, дератизация ва дезакаризация тадбирлари вақтида ўтказилмаслиги бўлиб, бу эса молхоналарнинг кўзгатувчи спораси билан зарарланишига сабаб бўлмоқда.

Илмий манбаларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, кейинги вақтларда республикамізда қорамолчилик хўжаликлари, шу жумладан аҳоли чорва моллари ва фермер хўжаликларида бузоқларнинг дерматомикозларининг тарқалиши, кўзгатувчиларининг турлари ва хусусиятлари, етарлича ўрганилмаган.



Trichophyton verrucosum замбуруғи
билан зарарланган қорамоллар

Тадқиқотлар объекти ва услублари: Илмий тадқиқот ишлари Самарқанд вилояти Пастдарғом тумани Юқори Қайнама қишлоғида жойлашган “Дилшод Рустам даласи” фермер хўжалигида ва СамҚХИ микробиология ва вирусология лабораториясида ўтказилди.

Бузоқларда трихофития касаллигининг учраш даражаси таҳлил қилинди. СамҚХИ «Ҳайвонларнинг юқумли ва инвазион касалликлари» кафедрасининг микробиология лабораториясида трихофития касаллиги қўзғатувчиларининг хусусиятлари ўрганилди.

Тажриба учун трихофития замбуруғлари билан зарарланган 9 бош зоти, ёши, жинси ва вазни бир хил бўлган 8-10 ойлик бўлган қорамоллар танланиб 3 та гуруҳга ажратилди. Бузоқлар учун бир хил сақлаш ва озиклантириш шароити, озуқа рациони ташкил қилинди.

Тажрибида ФГУП “Ставропольская биофабрика”сида ишлаб чиқарилган ЛТФ-130 вакцинаси ва тетрамаг препарати (таркибида 50000 ХБ - А витамини, 25000 ХБ - Д₃ витамини, 20 ХБ - Е витамини, 5 ХБ - F витамини мавжуд) қўлланилди.

Биринчи гуруҳдаги бузоқлар ЛТФ-130 вакцинаси билан даволаш мақсадида 4 доза (20 мл)дан 10-14 кун оралиғида икки марта мускул ичига инъекция қилинди.

Иккинчи гуруҳдаги бузоқлар ЛТФ-130 вакцинаси даволаш мақсадида 4 доза (20 мл)дан 10-14 кун оралиғида икки марта мускул ичига инъекция қилиниши билан бирга 15 кун ичида 3 марта тетрамаг витамини 5 мл дан юборилди.

Учинчи назорат гуруҳидаги ҳайвонлар даволанмади. Тажриба натижалари қуйида жадвалда келтирилган.

ЛТФ-130 вакцинаси ва тетрамаг витаминни қўллаш схемаси

Гуруҳ	Ҳайвон тури ва ёши	Бош сони	Тажриба бошида ҳайвонлар умумий тана вазни, кг	Муолажа тури	Соғайиш санаси	Тажриба охирида ҳайвонлар умумий тана вазни, фарқи кг ва % да
1	Бузоқ 8-10 йлик	3	375.0	ЛТФ-130	30-кун	±382.5 + 2%
2	Бузоқ 8-10 ойлик	3	378.0	ЛТФ-130 + тетрамаг	26-27-кун	±396.9 +5%
3	Бузоқ 8-10 ойлик	3	381.5	—	соғаймади	±370.0 -3 %

Биринчи гуруҳдаги ҳайвонлар тажрибанинг 30-кунига бориб соғайиш белгилари кузатилди, гуруҳдаги бузоқларнинг умумий тана вазнини 2% га ошганлиги аниқланди.

Иккинчи гуруҳдаги бузоқларда тажрибанинг 26-27 кунига келиб соғайиш белгилари кузатилди. Ҳайвонларнинг умумий тана вазни 30-кунда 5% ортганлиги аниқланди.

Учинчи гуруҳдаги ҳайвонларнинг тирик вазни аввалгига нисбатан тушиб кетди ва ҳайвонларда соғайиш белгилари кузатилмади.

Тажрибадан сўнг назорат гуруҳидаги ҳайвонлар ЛТФ-130 вакцинаси билан даволанди, молхонада эса дезинфекция ва дезинсекция тадбирлари ўтказилди.

Хулоса: Бузоқларда трихофития касаллигини даволаш мақсадида ЛТФ-130 вакцинаси 4 доза (20 мл)дан 10-14 кун оралиғида икки марта мускул ичига инъекция қилиниши ҳамда тетрамаг витамини 15 кун ичида 3 марта 5 мл дан қўлланилиши касалликни даволаш муддатини қисқаришига олиб келади, ҳамда бузоқларнинг ўсишига ижобий таъсир кўрсатади.